

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ  
Акциядорларнинг Умумий йигилиши  
қарори билан  
«Тастикланди»  
2016-йил 23 июн  
22-сонли баённома

**“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖнинг  
ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАҚИДАГИ  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА:**

1. Умумий қоидалар таърифланиши.
2. Ички назорат тизимининг белгиланиши ва мақсадлари.
3. Ички назорат тизимининг ишлаш принциплари.
4. Ички назорат тизимининг (компонентлари) таркибий қисмлари.
5. Ички назорат учун жавобгар органлар ва шахслар.
6. Ички назорат жараёни ва услублари.
7. Хулоса.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖнинг (матн давомида - Жамият) ички назорати ҳақидаги ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликка, Жамият Уставига, корпоратив бошқарув Кодексига, акциядорлар Жамияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиясининг йиғилишида 31.12.2015-йилда 9-сон баённомаси корпоратив бошқарув кодексига ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг ишлаш принципларини, ҳамда ички назорат учун жавобгар Жамият органларини ва шахсларни белгилайди.

## 2. Ички назорат тизимининг таърифланиши ва мақсадлари

2.1. Ички назорат – бу Жамият фаолиятига киритилган ва хавфларни бошқариш жараёнида самарадорликни оширишга, Жамиятнинг мақсадларига нисбатан етишишда ва корпоратив бошқарувга йўналтирилган, қуйидаги соҳаларда тасдиқланади:

- ишлаш самарадорли даражаси, фойда олиши ва активларни ҳимоя қилишини қамбар олган самарадорлик ва ишлаб чиқарувчанлик фаолияти;
- молиявий ҳисоботларнинг ишончлиги ва тўғрилиги;
- Жамият фаолиятини тартибга солувчи Қонунчиликка ва ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлиги.

2.2. Ички назорат тизими – бу, Жамиятда тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, Ижроия органи ва барча даражадаги (матн давомида – ички назорат субъектлари) бошқа ходимлар ва барча вазифалар бўйича ташкил этилган ва амалга оширилаётган, регламентланган ички ҳужжатлар билан назоратланувчи чора-тадбирлар, жараёнлар ва ички назорат услубларининг ташкилий тузилма жамламасидир. “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ ички назорат органи аъзоларининг малакаси уларнинг фаолияти ҳақидаги Низомларда ўрнатилган бўлиши мумкин.

2.3. Ички назорат жараёни – бу, Жамиятнинг тафтиш комиссияси, Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Жамиятнинг Ижроия органи, ҳамда ички назоратни амалга оширувчи ваколатли, Жамиятнинг бўлинмалари амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамламасидан ва Жамият томонидан қўйилган мақсадларга етишишнинг самарали баҳолаши учун молиявий-хўжалик фаолиятида Жамиятнинг ёки ҳужжатларида, ҳамда Қонунчиликнинг бузилишини аниқлашга қаратилган, ҳамда ички назорат иш тартибини амалга ошириш ўзаро жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро ҳаракатидир.

2.4. Ички назоратнинг асосий мақсади бўлиб барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритарларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаши ҳисобланади.

2.5. Ички назорат тезкор тартибда таъминланиши зарур:

- активларнинг сақланиши, Жамият ресурсларидан иқтисодий ва самарали ишлатилиши;
- амал қилувчи қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига.
- ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврдаги Жамиятнинг стратегик ривожланишини, Жамиятнинг бизнес-режаларининг бажарилиши;
- Жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар ва бошқариш ахборотининг тўлиқлиги ва ишончлиги;
- Жамият фаолиятида пайдо бўлаётган хавфларни ўша вақтнинг ўзида аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил қилиш;
- Жамият фаолиятида хавфларни режалаштириш ва бошқариш, хавфларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва адекват қарорларни қабул қилишни ҳам ҳисобга олиш;

- тадбиркорлар доирасида ва истеъмолчиларда Жамиятнинг обрў-эътиборини ўрнатиш ва яхши обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаши;
- рағбатлантиришни ва компенсацияни тўланишида адекватлик, тиниқлик ва объективликни таъминлаши, шу жумладан Ижроия орган аъзоларига, кузатув кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссия аъзоларига унинг миқдори аниқланади ва тўланади.

### **3. Ички назорат тизимининг ишлаш принциплари**

3.1. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги иш тартибида ишлайди:

- узликсиз ишлаши – ички назорат тизими доимо ва тегишлича ишлаши Жамиятга меърдан ҳар қандай ўзгаришини ўз вақтида аниқлашга ва уларни келажакда пайдо бўлишини олдини олишга имкон беради;
- ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобот беришга мажбурийлик – ички назорат тизимининг ҳар бир шахснинг назорат функциясининг бажариш сифатини бошқа иштирокчи томонидан назорат қилинади;
- вазифаларни тақсимланиши – Жамият, назорат вазифаларини такрорланишга йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда, ва бу вазифалар ходимлар ўртасида шундай тақсимланиши керак-ки, битта ўша шахснинг ўзи, белгиланган активлар билан тасдиқланган операция билан боғлиқ бўлган вазифаларни бирлаштирмаслиги керак, яъни активларни сақланишини таъминлаш ва уларни инвентаризациядан ўтказилишини таъминлаш операциясини ҳисобга олиш билан;
- операцияларни тегишлича қувватлаш ва тасдиқлаш ваколати чегарасида барча молиявий-хўжалик операцияларни тасдиқлашда Жамият тартиб ўрнатишга ҳаракат қилмоқда;
- ҳар куни ички назоратни амалга оширувчи ва унинг вазифасига бевосита Кузатув кенгашига ҳисобот бериши мажбурияти Жамият бўлинмасининг ташкилий ҳолислигини таъминланиши.
- Жамиятда ишлаётканларнинг, назорат вазифаларни тегишлича бажариши учун, ички назоратдаги барча субъектлар жавобгардир;
- Жамиятнинг барча бўлинмалари аниқ ўзаро боғланиш (ҳаракати) асосида ички назоратни амалга ошириши;
- доимий равишда ривожланиши ва такомиллашиши – Жамият – ички назорат тизимини ўзгаришли солаш учун шароитларни таъминлашга ҳаракат қилмоқда, янги масалаларни ҳал этиш заруриятини ҳисобга олган адаптация қилиши мумкин бўлганида, тизимнинг ўзини кенгайтириш ватакомиллаштириши мумкин бўлишларида;
- чегарадан чиқиш ҳақида маълумотларни ўз вақтида узатилиши – Жамиятда оғишни бартараф этиш ҳақидаги қарорларни қабул қилишга ваколатлари бор шахсларга тегишли ахборотларни максимал қисқа муддатда узатиш белгиланган;
- Жамият фаолиятида соҳаларининг устуворлигини аниқлаш, уларда назорат ўрнатилмоқда, ички назорат тизимини қамраб олувчи стратегик йўналиш ажралиб туради, уларнинг ишлаш эффектливлигини ўлчаш қийин.

### **4. Ички назорат тизимининг компонентлари**

4.1. Ички назорат тизимини қуйидаги ўзаро боғланган компонентларга ўз таркибига олади:

- Жамият ходимларининг этик бойлиги ва чуқур билимга эгаллигини, раҳбарлик сиёсатини, ваколатларни ва жавобгарликни раҳбарият томонидан тақсимлаш усулини, ташкилотнинг тузулишини ва ходимларнинг малакасини оширишни ҳамда Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик қилишни ва бошқаришни ўз ичига олган назорат муҳитини:

- хавф-ҳатарни баҳолаш – ҳар хил даражадаги ва ички кетмакетликдаги ўзаро боғлиқ, аниқ бўлган масалалар етишишда идентификацияни ва тегишли хавф-ҳатарни таҳлил қилиш билан ўзини кўрсатувчи(дир);

- назорат бўйича фаолият, сиёсатни ва бажарилаётган иш тартибларини умумлаштиради, кафолат беришга улар ёрдам кўрсатадилар, бу – раҳбариятнинг қарорлари ижро этилмоқда ва ўз ичига олган бир қатор ҳар хил ҳаракатлар қуйидаги каби: маъқуллаш, санкция, тасдиқ бериш, текширишлар, ҳозирги фаолиятга назорат, активларнинг хавфсизлигини кафолатлаш ва ваколатларни тақсимлаш;

- ахборотномаларни таъминлаш бўйича ва ахборотномаларни алмаштирни бўйича фаолият, бу маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга қаратилган, уларни рўйхатга олиш ва уларни алмаштириш, шу жумладан, Жамиятда ички назорат сиёсати ва бажарилаётган ишлар тартибини қабул қилишни тушуниши, ички назоратнинг барча субъектарида шакллантириш мақсадида ахборотларни алмаштиришнинг самарали каналларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш. Рухсат берилмаган кириш ҳуқуқидан ахборотномагача ҳимоя қилиш учун Жамият чора тадбирлар қабул қилади;

- мониторинг – бошқарув ва назорат вазифаларини ўз ичига олувчи жараён, бу вақтда тизим ишининг сифати вақт ўтиши давомида баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботининг ишончилигига таъсир этувчи хатоликларни пайдо бўлиши эҳтимолини аниқлаш учун ўтказилади ва қўйилган масалаларни бажарилишини таъминлашда ички назорат тизимининг ишчанлигини аниқлаш учун ўтказилади. “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖда ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш учун, акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори билан Кузатув кенгашининг таклифи асосида мустақил профессионал ташкилот-консультант (маслаҳатчи) жалб қилиниши мумкин.

## **5. Ички назорат учун жавобгар органлар ва шахслар**

5.1. Ички назорат Жамиятнинг тафтиш комиссияси, Кузатув кенгаши, Ижроия органи, ички аудит хизмати, ҳамда Жамиятнинг бошқа ходимлари томонидан барча даражаларда амалга оширилади ва бунда ҳар бири, ўрнатилган тартибда, ички назорат учун жавобгардирлар.

5.2. Жамиятнинг бўлинмаларида фаолият юритишда вазифа, ҳуқуқ ва мажбурияти, жавобгарлик, компенсация ва тўланаётган рағбатлантиришларни ҳисоблаш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган. Мазкур ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар каби бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларига тегишли бўлса, ушбу Низомга қарши бўлиши мумкин эмас.

5.3. Ички назорат иш тартибини олиб боришда Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятида назоратни тизимли характерини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг ваколатли бўлинма томонидан амалга оширилади – яъни ички аудит хизмати бажаради, у ички назорат учун маъсул, Жамиятнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ўзаро ҳамкор.

5.4. Кузатув кенгаши вазифаларига қўйидагилар қиради:

- ички назорат тизимини ривожланиш йўналишини аниқлаш ва белгиланган операцияларни ва стратегияни маъқуллаш;

- Жамият акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида Жамиятнинг Ижроия органи раҳбарининг, ташқи ва ички аудитнинг, тафтиш комиссиясининг мунтазам бераётган ҳисобот-маълумотлар асосида, ички назорат тизимини ишинчилилик ва самаралик баҳолашни ва таҳлилларни ўтказиш натижалари ҳақида бошқа манбаалардаги ахборот ва ички назоратнинг барча аспектлар бўйича ўзининг кузатувларининг натижалари ҳақида, шу жумладан: молиявий назорат, операцион назорат, қонунчилика риоя этиш назорати, ички сиёсат ва бажарилган иш тартибини назорати;

- ички назорат учун жавобгар (маъсул) Жамиятнинг тузилишини (структура) ва бўлинмалар таркибини аниқлаш;

- ички назоратнинг бажарилаётган иш тартибини доимо такомиллаштириш.

5.5. Жамиятнинг ички назорат тизимидаги молиявий ҳужжатларнинг ишончлилигини ва самарадорлиги, аниқлиги ва тўлиқлиги назоратини ташкил этиш учун Жавобгарлик Жамиятнинг Ижроия органига юклатилади.

5.6. Жамиятнинг ички назорати соҳасидаги сиёсати Кузатув кенгаши тасдиқлаганига асосан унинг ишлаши учун жавобгарлик Ижроия орган раҳбарига юклатилади.

Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари ички назорат тизимининг бажариладиган иш тартибини жорий этади ва унинг самарали ишлашини таъминлаши, Жамиятнинг барча хавф-хатардан Кузатув кенгаши ўз вақтида хабар бериб ички назорат тизимининг кўзга кўринган камчиликларини, ҳамда режалар ҳақида ва уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларнинг натижалари ҳақида ўз вақтида хабар беради.

5.7. Ҳар хил даражадаги бўлинма ходимлари ўзларининг компетенцияси (ваколати) чегарасида назоратни амалга ошириш бўйича стратегия ва бажарилган иш тартибини деталли ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. Уларнинг вазифаларига стандарт бўлмаган вазиятлар ва муамолар билан уларнинг келиб чиқиш даражасига қараб уддасидан чиқиш киради. Муҳим саволлар ёки аниқ битим бўйича пайдо бўлган хавф ҳақида ходимлар Жамиятнинг юқори турувчи раҳбарга ҳисобот беради.

5.8. Жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолияти ва унинг ажралиб чиққан бўлинмаларидаги назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик ички назоратнинг мунтазам фаолият юритувчи органи. Тафтиш комиссияси, роли, мақсади, саволлари, Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомда буларнинг ваколатлари акс эттирилган.

5.9. Ички назоратни бажариладиган иш тартиби устидан мунтазам назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик, яъни Жамиятнинг бажарилаётган молиявий-хўжалик операцияларига мувофиқ, тўлиқ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Жамиятнинг Уставига асосан, унинг ажратиб чиққан бўлинмалари, ҳамда бухгалтерия ва молия ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ишончлилиги ички аудит хизматига тегишлидир, роли, мақсади, вазифалари, ваколатлари ички аудит хизмати ҳақида Низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати ҳақидаги Низом Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

5.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати ички аудит натижалари, ички назорат тизими ҳақида Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига бўйсинади.

5.11. Қуйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит хизмати лавозимини эгаллашга ҳуқуқи йўқ:

- иқтисод соҳасида ёки тартибга қарши жинояти учун судланиб, тўлиқ ижро этилмаган шахслар;

- Жамиятнинг раҳбари ёки ижроия орган аъзоси бўлган шахслар;

- Жамиятнинг таъсисчилари раҳбарлари ёки ижроия орган аъзолари, ёки бошқа юридик шахс ходимлари, Жамиятнинг рақобатчиси ҳисобланувчи шахслар;

- ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга бошқа талабларни, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин.

5.12. Ички назорат тизимининг тегишлича ишлаши ходимларнинг профессионаллигига ҳам боғлиқ. Жамият, ходимларни танлаш, ишга ёллаш, ўқитиш, кадрларни тайёрлаш ва хизмат бўйича ходимларнинг мартабаси ошиши тизимлари уларнинг юқори малакани ва улардан юқори этик стандартларига риоя этилишига зўр бериш ҳаракат қилмоқда.

## **6. Ички назорат услуби ва бажариладиган иш тартиби**

6.1. Жамиятнинг ички назорат процедураси қуйидагиларни қамраб олади (ўз ичига олади):

- Жамиятни бошқаришда ҳар хил даражадаги ўзаро боғлиқ ва қарши бўлмайдиган мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш;
- Жамиятнинг фаолиятидаги мақсадларга етишиш учун потенциал ва мавжуд бўлган оператив, молиявий, стратегик ва бошқа хавф-хатарни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ички назоратдаги муҳим аҳамиятга эга компонентларни баҳолаш;
- бизнес-жараёнларда ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;
- Жамиятнинг тузулма бўлинмалари, мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг ишидаги мезонларни аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;
- Ўтган даврдаги ёки келгусидаги фаолият натижалари билан ахборотларни таққослаш билан молиявий ва бошқа ахборотларни тенглаштириб кўриб чиқиш;
- воқеалар, операциялар ва транзакцияларни қайд этишнинг адекват усулини ишлатиш;
- активлар сақланганлигини текшириш;
- ички назоратда бажарилган иш тартибини тегишлича ҳужжатлаштириш;
- ички назорат тизимининг сифатини мунтазам баҳолаш;
- Жамиятнинг барча ходимларига уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятларини етказиш;
- Жамиятнинг ходимлари ўртасида муҳим вазифаларни тақсимлаш, операцияларни қайд этиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текширишни маъқуллаш;
- тегишли ваколатларга эга бўлган, фақат ўша шахслар билан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;
- ички назоратнинг мақсадида эришиш учун зарур бўладиган бошқа процедуралар.

6.2. Ички назоратни процедураларини олиб боришда назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усулларида, ҳамда ички назорат процедураларини амалга ошириш учун зарур бўладиган бошқа усулларида фойдаланиш.

## **7. Хулоса**

7.1. Мазкур Низом, ҳамда унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

7.2. Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг ташқи аудити, Жамиятнинг тафтиш комиссияси, Жамиятнинг ташқи аудит хизмати, Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари томонидан берилган таклифлар бўйича киритилади.

7.3. Агарда Қонунчиликда ва Ўзбекистон Республикаси меъёрий далолатномаларда ўзгартиришлар натижаларда мазкур Низомнинг айрим моддалари улар билан қарама-қарши бўлади, Жамият Низомнинг ушбу моддалари ўз кучини йўқотади ва унга ўзгартиришлар киритилган вақтгача, бу вақтда Қонунчиликка ва Ўзбекистон Республикаси меъёрий далолатномаларига раҳбарлик қилади.